

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК 687.023.001.5

ХАЙРУЛЛАЕВ ШЕРЗОД МУРОДУЛЛАЕВИЧ

ПОЙАФЗАЛ КЕСКИЧЛАРИНИ ЧАРХЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ
МОСЛАМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Мутахассислик: 5А320301 – «Технологик машиналар ва жиҳозларга техник
хизмат кўрсатиш (Тўқимачилик, енгил ва пахта тозалаш саноати)»

Магистр академик даражасини
олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

т.ф.н., доц. ХаджаевС.С.

« ____ » _____ 2013 й.

Тошкент-2013

КИРИШ.....	3
1. БОБ. ПОЙАФЗАЛ КЕСКИЧЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ	6
1.1. Кескичларни қайта тиклашда уларни тайёрлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.....	6
1.2. Кесиш жараёнида материални кескичлар ва сиқувчи каток билан ўзаро таъсирлашуви.....	15
1.3. Катокни материал бўйлаб юмалаши вақтида материалларни кескичлар кесувчи қиррасига ишқаланиши текшириш	24
1-Боб бўйича хулоса.....	32
2. БОБ. ПОЙАФЗАЛ КЕСКИЧЛАРИ ТАЙЁРЛАМАСИНИ ЧАРХЛАШ ЖАРАЁНИНИ АНАЛИТИК ТАДҚИҚИ.....	35
2.1. Кескич тайёрламаси–чархловчи доира тизимини ўзаро таъсирлашувини тадқиқ қилиш	35
2.2. Кескич тайёрламаси қиррасини чархлаш жараёнини математик моделлаштириш.....	38
2-Боб бўйича хулоса	43
3. БОБ. ТЎЛИҚ ФАКТОРЛИ ТАЖРИБА УСУЛИ БИЛАН КЕСКИЧ ТАЙЁРЛАМАЛАРИНИ ЧАРХЛАШ ВАҚТИНИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ.....	44
3.1. Тадқиқот муаммосини қўйилиши	44
3.2. Тадқиқот усулини танлаш ва кескич тайёрламасини чархлаш вақтини муқобиллаш	44
3-Боб бўйича хулоса	55
Умумий хулосалар.....	55
АДАБИЁТ.....	58
ИЛОВА.....	60

К И Р И Ш

Ҳозирги кунда Ўзбекистонни жаҳон майдонида ўрни ва обрўси ошиб бормоқда. Президент И.Каримов ўзининг 21 январь 2013 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги нутқида, Республикани 2012 йил бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва 2013 йилда иқтисодиётни мустаҳкам ривожланиш учун муҳим приоритетлари ҳақида сўзлади ва қуйидагиларни айтиб ўтди: [1] «2012 йил якунларини баҳолаган ҳолда юртимизнинг иқтисодиётини юқори темп билан ўсиши ва макроиқтисодиётни мувозанатлигини айтиб ўтиш зарур». Охирги пайтларда замонни талаби бўйича республикада тўқимачилик ва енгил саноат катта ўзгаришлар содир бўлмоқда, сифатли тола ишлаб чиқариш мақсадида маҳсулот нархини пасайтирувчи янги техника ва технологиялар қўлланилмоқда, ишчилар ишини яхшилаш оғир ишларни механизациялаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Пойафзал машина ва дастгоҳларини ишлаш жараёни самарадорлиги, механизациядан, замонавий технологик аппаратлардан ва уларни юқори ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадида сервис хизматларини ташкил қилиш. Саноат шароитларида машинани диагностикалаш ва созлаш, иш режимини танлаш кўпроқ созлашни аниқлигига, пояфзал машиналари ва дастгоҳларини технологик имкониятларини оширишга боғлиқ.

Муаммони долзарблиги. Адабиёт манбаларини ўрганиб ва анализ қилиб, патент материаллари ва «Пояфзалчи» «Фаровон» пояфзал корхоналари илғор мутахассислари орасидаги сўровлар шуни кўрсатдики, пояфзал деталларини кесиш ва бичиш учун кескичларни чархлаш муаммолари тўлиқ ўрганилмаган. Ускуналар мавжуд эмас – пояфзал пастки ва юқори деталларини кесувчи ва бичиш учун кескичларни чархлаш ва тайёрлаш мақсадида фойдаланиладиган тайёрламаларни эгиш механизми, шунингдек корхоналарга хизмат кўрсатиш ташкил этиш бўйича таклифлар мавжуд эмас.

Шунинг учун пойафзал кескичларини тайёрлашда техник хизматларни ташкил этиш учун мўлжалланган машина стендини ишлаб чиқиш ва кескичларни чархлаш ва иш шароитларни тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотлар натижасида экспериментал сттенд ишлаб чиқилади – пойафзал кескичларини қайта тиклаш ва чархлаш учун, шунингдек кескичларни таъмирлаш бўйича техник хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи дастгоҳ ишлаб чиқилади.

Тадқиқот вазифаси ҳисобланади: экспериментал мослама конструкциясини ишлаб чиқиш ва пойафзал кескичлари тайёрламаларини чархлаш учун мўлжалланган стенд ишини таҳлил қилиш, яъни:

- а) пойафзал кескичларини тадқиқот ва ишлаб чиқиш бўйича ишларни таҳлили;
- б) пойафзал кескичларига таъсир қилувчи факторларни аниқлаш;
- в) пойафзал тайёрламаларини чархлаш учун мўлжалланган стенд ишлаб чиқиш;
- г) чархловчи айлана - кескич тайёрламаси системасини ўзаро таъсирини характерловчи катталиқни математик моделлаштириш;
- д) пойафзал тайёрламаси қирраларини чархлаш жараёнини математик моделлаштириш;
- е) пойафзал тайёрламаларини чархлаш вақтини экспериментал тадқиқи ва регрессия математик моделини ишлаб чиқиш;
- ж) ҳулосалар ва таклифларни шакллантириш.

Амалий аҳамияти. Хотима шундаки, кескичларни ўтмаслашишини бартараф этиш учун тадқиқотлар натижалари дастлабки кўрсаткич ҳисобланади, пойафзал кескичларини чархланишини муқобиллигини таъминлаш ва кескич тайёрламалари учун ҳам, ҳамда корхоналарга техник хизмат кўрсатишда ишлатилган кескичларни қайта тиклаш ва кейинчалик янги кескичларни тайёрлаш, тайёрлаш учун ҳам кўрсаткич ҳисобланади. Тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро конференцияларда, ҳамда

“Технологик машиналар ва жиҳозлар” кафедраси турли илмий семинарларида етказилган.

Тадқиқот объекти: Тадқиқот объекти сифатида пойафзал кескичларини чархловчи ва уларни тикловчи стенд – дастгоҳ ишлаши ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг умумий услублари: Диссертация ишида қўйилган муаммолар, комплекс тадқиқотларни олиб бориш орқали, таҳлил қилиш ва олинган натижаларни ўрганиш, ҳамда уларни экспериментал текшириш орқали ечилди. Пойафзал тайёрламаси – чархловчи айлана системаси ўзаро боғлиқлиги таъсирини ўрганиш учун жараёни математик моделлаштириш назарияси, статистика, экспериментал тадқиқотларни бажариш методикаси ва бошқалар қўлланилди. Экспериментал текширув техник ўлчаш қурилмаларини қўллаш, тензометрлаш, кучайтиргичлар ва осциллографик аппаратуралар билан амалга оширилди.

Илмий янгилиги. Тадқиқотлар натижасида пойафзал кескичлари тайёрламасини чархлаш учун стенд – дастгоҳ, чархловчи юзага тайёрламани сиқиш кучини характерловчи, чархлашда қувватни сарфи, шунингдек кескич тайёрламаларини чархлашда олинаётган қатлам майдони нисбатан ўзгариши ишлаб чиқилади. Шунингдек пойафзал тайёрламаларини чархлаш вақтини характерловчи регрессия математик модели ишлаб чиқилади.

Ишни амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари пойафзал корхоналарига техник хизмат кўрсатишда кескичларни ўтмаслашишини бартараф этиш, кескич полотноларини муқобил чархлашни таъминлаш, ишдан чиққан кескичларни чархлаш ва янги кескичларни тайёрлаш масаласини ҳал қилади.

Ишни апробацияси. Ишнинг асосий қисми докладларда маълум қилинган

1. Ёш олимларни илмий конференцияларида, 2011-2013 йилларда.
2. «Технологик машиналар ва жиҳозлар» кафедраси мажлисларида.
3. Диссертация материаллари иши бўйича 4 тезис чоп этилган.


Диссертация ҳажми ва структураси: Диссертация – кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 61-бет, 16-расм, ва 5- жадваллардан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида 17 та адабиёт ва интернет сайтлари келтирилган.

1. БОБ. ПОЙАФЗАЛ КЕСКИЧЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ИШЛАРНИ ТАҲЛИЛИ

1.1. Кескичларни қайта тиклашда уларни тайёрлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш

Пойафзал саноати корхоналарида кескичларни қайта тайёрлаш ва таъмирлаш, уларни тайёрлаш муаммоларига кўпроқ аҳамият берилади. Бу шу билан тушунтириладики, одатда корхоналар маълум микдордаги пояфзал модели ва турларини ишлаб чиқаради., қайсики модани ўзгаришига қараб тез-тез ўзгариб туради, бу эса пояфзал юкори ва пастки деталларини кесиш учун мўлжалланган кескичларни кўпроқ турларини талаб этади. Эксплуатация жараёнида кескичлар тез-тез ишдан чиқади, корхоналар эса кескичлар билан марказлашган ҳолда таъминланилмайди, таъмирлаш механик цехларида одатда кескичлар бўлими мавжуд бўлиб, бу цех кескичларни тайёрлаш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланади.



1- Расм. Пойафзал юкори ва пастки деталларини кесиш учун
мўлжалланган пояфзал кескичлари

Кескичлар пўлат фасонли шаклга эга бўлиб, кесилувчи детал контури бўйича эгилган, бир ёки икки томонлама ўткирилган бўлади. Кескичлар [3] Златоустовский металлургия заводида У7, У7А ва ТУ 37-1 профилирланган углеродли пўлатлардан тайёрланади. Кесиш учун мўлжалланган кескичлар кесилаётган деталга қараб пойафзални пастки деталларни кесувчи (а) ва юқори деталларни кесувчи (б) турларга бўлинади (1 расм).

Пойафзални пастки детални кесиш учун мўлжалланган кескичлар № 1 (баландлиги 105 мм) профили пўлатдан тайёрланади., пойафзални юқори детални кесувчи кескичлар эса № 2 (баландлиги 19 мм), № 3 (баландлиги 25 мм) и № 4 (баландлиги 35 мм) профили пўлатлардан тайёрланади. Тайёр кескичлар механик ишлов беришдан сўнг 100, 19, 22 ва 32 ммга мос баландликка эга бўлади.

Пойафзал пастки детални кесиш учун мўлжалланган кескичлар тиғини чархланиш бурчаги $29\text{—}30^\circ$ тенг. Пойафзал юқори детални кесиш учун мўлжалланган кескичлар тиғини чархланиш бурчаги кесиш амалга ошириладиган колодкалар материалига боғлиқдир. Ёғочли, картонли ва пластмассали колодкаларни қўлланилганда тиғни чархланиш бурчаги $18\text{—}20^\circ$ тенг, темир плиталар қўлланилганда - $45\text{—}48^\circ$ тенг. Баъзи корхоналарда пойафзал пастки детални кесишда темир плиталарда икки томонлама чархланаган кескичлардан фойдаланилади. Кескичлар тиғини термик ишлов беришдан кейин қаттиқлиги НКС 45—50га тенг бўлиши зарур.


1.1.1. Пойафзални таг қисми деталларини кесиш учун мўлжалланган кескичларни тиклаш технологияси ускуналари

Кескичларни тайёрлаш технологик жараёни тайёрламаларни тайёрлашдан бошланади. Тайёрламалар учун одатда профили пўлатлар ишлатилади. Кесиш жойи аввал темирчилик горнида қизитилади. Тайёрлама қўлда синдирилади, кувалда ва ручкали зубила ёрдамида. Тайёрлама узунлигини кесилувчи детал

шаблони периметрини ўлчаш орқали аниқланилади. Горнда қиздирилган тайёрламага қисқичлар ва болға ёрдамида кесилувчи детал шаблони конфигурацияси берилади. Сўнг тайёрлама пайвандлашга келади, у ерда газли пайванлаш ёрдамида кескични юқори қисми (кесувчи) бирлаштирилади, сўнг электр пайвандлаш ёрдамида кескич уланган жойи пайвандланилади. Кейин кескич вертикал-фрезалаш дастгоҳида торецли фреза ёрдамида баландлиги бўйича икки томонлама тўғирланилади ва чилангарлик ишлов бериш амалга оширилади, бу ишлов тозалаш, опиловка ва кесиш қиррасини чархлашни ўз ичига олади. Кески ташқи кесиш қирраси томони жилвирлаш – чархлаш дастгоҳида чархланади, ички қисми эса эговда чархланади. Чилангарлик ишлов беришдан сўнг кескичга термик ишлов берилади. Уни тоблашда юқори частотали токлар орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ, бу усул самарадор, иқтисодли, шунингдек, тобланган қатлам чуқурлигини аниқ ростлаш имконини беради, бундан ташқари кескич қийшайиши кам кузатилади..

Кескични бўшатиш 1,5 саот вақт мобайнида 220—240° С ҳароратда электр печида амалга оширилади. Шундан сўнг кескич тамоман шаблон бўйича текширилади. Ишчини қўлларини пойафзал деталини кесишда жароҳатланишидан сақлаш мақсадида кескичга 2—3 мм қалинликдаги листли пўлатдан иккита чети пайвандланилади. Тайёр кескич тайёр маҳсулот омборига топширилади. Кескични тайёрлаш давомийлиги ўртача 135 минутни ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, пойафзал пастки қисм деталлари учун кесувчи кескичларни тайёрлаш қийин жараён ҳисобланади, одатда кескичларни тайёрлаш операциясини бажариш учун юқори малакали ходимлар жалб қилинади (5-разряддан кам бўлмаганлар). Ҳозирги вақтда пойафзал корхоналарида кескичларни тайёрлаш жараёнини механизациялаш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, Ростове-на-Дону пойафзал фабрикасида кескичларни эгиш [4] учун мўлжалланган гидравлик пресс ишлаб чиқилган.



2- Расм Кескичларни эгиш учун мўлжалланган гидравлик пресс схемаси.

Пресс ясси плита 2 билан жиҳозланган станина 1дан ва унга горизонтал қотирилган икки тарафлама ҳарактланувчи гидравлик цилиндр 8 иборат (2 расм). Шток 7га илгариланма-қайтма ҳаракатланувчи сиқувчи призматик таянч 6 қотирилган. Таянч 6 айланишлардан ясси плита 2 билан чегераланади. Плитага 2 таянчдан олдин алмашинувчи оправка 5, оправка 3 ва кескичларни тўғриловчи вилка 4 қотирилган. Станина 1 ичидаги мой бакида 11 золотник 10 билан бирлашган насос 15 ўрнатилган, у ўз навбатида цилиндр 8 ва трубапровод 9 билан бириктирилган. Золотник 10ни бошқариш педаль 13 орқали амалга оширилади. Овал оправка 5 кескични икки чет контурларини лекала бўйлаб қўлда яқинлаштириш учун мўлжалланган кескич тайёрламаси 800—850° С ҳароратгача қиздирилади, сўнг чилангарлик тутгичлари билан оправка 5 ва таянч 6 оралиғига жойлаштирилади. Педал ни 13 босиш орқали золотник 10 ёқилади. Шунинг билан мой цилиндр 8 ишчи қисмига узатилади. Шток 7 таянч бни суради, у оправка 5га нисбатан чизикни эгади. Трубалар 12 окалинини четлатиш учун хизмат қилади. Труба 16 орқали плитани совитувчи коробга совуқ сув келиб тушади, труба 12 дан эса сувни коробдан чиқаришади.

1.1.2. Пойафзални устки қисми деталларини кесиш учун мўлжалланган кескичларни тиклаш технологияси ва ускуналари

Шунингдек пойафзал устки қисми деталларини кесиш учун кескични тайёрлаш технологик жараёни ҳам тайёрламани тайёрлашдан бошланади. Тайёрламани профилиланган пўлатдан гидро қайчилар ёки зубила орқали кесиб олишади. Тайёрлама узунлигини ўлчаш кесилувчи детал периметрини ўлчовчи шаблон орқали аниқланади.

№ 2 профили пўлатдан ясалган кескич контури Курск темирчилик – пресслаш жихозлари заводи универсал-эгувчи станогиди, № 3 ва 4 профилли пўлатдан ясалган кескичлар эса Петербург пойафзал фабрикасида ишлаб чиқилган эгувчи станокда эгилади.

№ 2 профилли пўлатдан ясалган кескич контурларини эгиш совуқ ҳолатда шаблон орқали амалга оширилади, фақат ўткир бурчакларни эгишда ва гофрларни тайёрлашда эгиш жойини газли горелкада қиздирилади.

№ 3 ва 4 профилли пўлатдан ясалган тайёламаларни эгиш жойи электр дугали ускуна ёрдамида қиздирилади.

Эгишдан сўнг шаблон бўйича кескич тайёрламасини пайвандлашга юборилади. Уланган қисмини пайвандлаш газли ускуна орқали амалга оширилади. Сўнг кескичлар икки томонидан ясси чархлаш стонигида текисланади ва чилангарлик ишлови берилади. Кесувчи қирра ташқи қисми жилвирловчи-чархловчи станокда, ички қисми эса эговда чархланади.

Кескичга термик ишлов беришда уни электр камерали печда 820°C ҳароратгача қиздирилган ҳолатга келтирилади ва тоблаш ишлари олиб борилади. Кескич иккита муҳитда тоблаш бакида тобланади, мой ва сувда. Кескич мойга ботирилиб 350—400°C ҳароратгача совитилади, шундан сўнг уни сувда тўлиқ совитилади. Тоблашдан сўнг кескич электр печда 220—240°C ҳароратда 1,5 соат давомидида бўшатилади. Шундан сўнг кескич шаблон бўйича текширилади ва омборга тайёр маҳсулот сифатида топширилади.

№3 ва профилли кескичларда бўлиши мумкин бўлган деформацияни олдини


олиш мақсадида уларни ички қисмига ясси пўлатдан ясалган (25X4 ммли) стяжкалар ёки (распор)калар ўрнатилади.

Пойафзал устки деталларини кесиш учун мўлжалланган кескичлар кесиш жараёнини назорат нукталарида (накольной) билан кесиши учун қўшимча элементлар билан таъминланган, четларини (надсечка), (клеймением), (перфорацией). Бу операцияларни бажарилишини таъминлаш мақсадида, (стяж)каларда ёки махсус пайвандланган (пемичка)ларда (наколка) ва (просеч)калар қотирилади. Тиғлардаги (гофрлар) охиргиларни махсус станокда киздириш ва сиқиш орқали олинади.

№2 профили пўлатдан ясалган аёллар (союзка)сини кесиш учун мўлжалланган кескичларни тайёрлаш давомийлиги ўртача 54 мин., №3 ва 4 профили пўлатдан ясалган кескичлар учун эса 90 мин.дир.

Тайёр кескичлар қуйидаги талабларга мос келиши керак: баландлиги бўйича фарқи ўткир кескичлар учун 0,25 ммдан ошмаслиги лозим, ўтмаслашган кескичлар учун 0,15 ммдан ошмаслиги керак, пайвандлаш орқали олинган чок шундай ишлов берилган бўлиши керакки, чархланувчи тиғ қиррасида пайвандлаш белгилари билинмасин, қолган чок қисмлари тозаланган бўлиши керак, кескичлар ички юзаси ва тиғ оралиғи 7 ммгача У4 да ишлов берилиши керак, қолган қисмлари ишловсиз ҳам бўлиши мумкин, тиғ ташқи қисми (скоза) У6 да ишлов берилиши керак, кескич тиғини плита юзасига қўйилганда, тиғ билан плитта юзаси оралиғи тирқиши 0,2 – 0,3 мм дан ошмаслиги керак, кескични ички ва ташқи юзаси кесувчи қиррадан 7 мм масофагача занглашни олдини олиш мақсадида бўялган бўлиши керак.


Ленинград № 2 сонли «Пролетарская победа» пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган эгувчи дастгоҳ икки қисмдан иборат: қизитиш ва эгиш мосламасидан иборат.



3 -расм . Қизитувчи механизм узели схемаси

Қиздирувчи узел механизми куйидагича таркиб топган. Пичоқли ричаг таъсирида шток 6 тишли рейкани пастга ҳаракатлантиради (3 расм). Шунингдек, водила 4 билан кўзғалмас бириктирилган ва рейка билан илашган шестерниялар 5 буралади. Бармоқлар 2 орқали водила илгариланма ҳаракат қилувчи шток 3 га таъсир қилади. Шток билан бирга кўмирли электродлар 1 ҳаракат қилади, станокдан (изолироват) қилинган. Электродларга трансформатор симлари уланган (оддий пайвандлаш трансформаторлари ҳам бўлади). Кўмирли электродларни яқинлаштирганда электрик (дуга) ҳосил бўлади, унинг иссиқлигида (учқунида) кескич тайёрламасини қиздиришади. Қиздирилган тайёрламани эгиш мосламасига ўрнатишади, у ерда тайёрлама зарур деформацияни олади. Дугани ажратиш учун пичоқли ричагни қўйиб юборишни ўзи кифоя, пружина таъсирида шток юқорига ҳаракатланади, кўмирли электродларни ажратади ва ёй ажралади.

Эгувчи мослама (массивной) чўянли плита 1 га қотирилган (4 расм). Тайёрламани пуансон 2 ва матрица 3 орасидан ўтказишади. Матрица массивли ричаг 6 таъсири остидаги ползун 4 га бириктирилган. Буралувчи эксцентрик ўқида 5, солқи ҳаракат қилади (ўнга). Эксцентрикни ползунга таъсири эвазига ползун билан матрицани ҳаракати ва пуансонда тайёрлама эгилиши юзага келади.



4 –Расм. Эгувчи мослама схемаси

Унча катта бўлмаган бурчакка эгиш учун иккита штир 7 дан фойдаланилади. Эгишда шаблондан қулай фойдаланиш имконияти бўлиши учун плитада шоблон ўрнатилувчи зина 8 қилинган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кескичлар тез-тез ишдан чиқади. Бунинг асосий сабаблари кескич тиғларини нотўғри термик ишлов берилгандаги синиши (қуруқ тоблаш 50 HRC) ва электрпредохранителни ишдан чиқиши натижасида детални кесишдан сўнг юқори траверсани пастга тушишини давом эттириши; кескич кесувчи қиррасини кам тоблашдан ўтмаслашиши; пресс уриш кучи таъсирида пайвандлаш уланган жойларида рухсат этилгандан ошувчи тирқишларни пайдо бўлиши; пресс ишчи юзаларини нопараллелиги натижасида кескични перекоc содир бўлиши.

Кескичларни таъмирлаш бузилиш тури ва кўринишига қараб турли хил йўллар билан амалга оширилади. Кескич тиғини синишида унга зарур ҳажмда металл газли пайванд ёрдамида пайвандланади сўнг слесарлик ва термик ишлов берилади.

Кесувчи қиррани ўтмаслашишида янгисини чархлашади, дастлабки баланлиги бўйича ўлчамни сақлаш мақсадида кескич (обух)ларига электр пайвандлаш ёрдамида металл пайвандланади ва баланлиги бўйича текисланади.

1.1.3. Пойафзал деталлари контурини текислаш учун ФУП-2 машинасини чархлаш узели


Бу машина пойафзал таг қими изига ёпиштирилган пойафзал таг чармини контур бўйича текислаш учун мўлжалланган ва шаклига мос (придания урезу соответствующей формы). Машинада пойафзални тайёрлашда ёки таъмирлашда ишлатиладиган ҳамма турдаги материаллар таг чарм ва подметкалар ишлов берилади.

Машинани ишчи органлари сифатида машина шпинделига котирилганикки фреза ҳисобланади. Машинани ишлаб чиқариш самарадорлиги соатига 100 та жуфт пойафзал, вал фрезаси айланишлар сони 1400 айл/мин, вал фрезаси чархловчи узели айланишлар сони эса 2760 айл/мин, йиғинди қуввати 2.32 кВтга тенг..

Машина (5-расм) 1 станина, иккита шпиндел (2 – чет фрезаси, 3 – ўрта фрезаси), электр юритма, электр юритмали фреза чархловчи фрезаси, электр юритмали вентиляторли аспирацион мосламасидан ташкил топган.

Станина ўзидан қўйилган конструкцияни ташкил қилади. Станина билан биргаликда чанг қабул қилувчи 4 корпуси қўйилган. Станина юқори қисмига маҳсус гилзаларга жойлаштирилган иккита шпиндел ўрнатилган, уларни сочишсиз станинадан олиш мумкин.

Шпинделлар чегарасиз синтетик материалдан қилинган ясси қайиш орқали электродвигателдан 5 айлантирилади. Қайиш мотор тагидаги плитани 8 электродвигател 5 билан ўқ 9 бўйича четлатувчи пружина 7 орқали тортилади. Плита 8 ҳолати винт 10 билан ростланади. Шпинделни айланишлар тезлиги икки поғонали шкивдаги 11 қайишни ўзгартириш ва электродвигателни қайиш таранглиги учун мос ҳолатга ўзгартириш орқали амалга оширилади.



5- Расм. ФУП-2 машинаси механизмлари схемаси

Вентилятор 12 фланец типдаги электродвигател 13 билан машина станинасига қотирилган. Ифлосланган ҳаво чанг қабул қилувчи 4 вентиляторлари орқали сўрилади ва чанг йиғувчи 14 юборилади (нагнетается) ва у ерда тозаланади. Чанг махсус йиғувчида чўкади.

1.2. Кесиш жараёнида материални кескичлар ва сиқувчи каток билан ўзаро таъсирлашуви

Кескич ва сиқувчи каток [5] билан кесиш жараёнида материал сурилиши мумкин. Бу ҳолатда бичилаётган деталлар шакли кесикчлардан фарқланиши мумкин. Пискорского Г.А., Толочко В.И., Чобытко М.И. [6,7] ишларида накатка вақтида кескичларини материал ва сиқувчи каток билан ўзаро таъсири кўриб чиқилган.

Бу ерда кесилаётган материалларни кесикчлар билан сиқувчи каток ўзаро таъсири ҳодисаси кўриб чиқилган ва улар икки гуруҳга бўлинган.

1. Материалларни кескичлар билан каток ўқиға эркин ўрнатилган кесилиши;

2. Материалларни кескичлар билан мажбурий айлантрирулувчи каток кесилиши.

Жадвалда ўқда эркин жойлашаган сиқувчи каток билан материални кесиш жараёнида накаткалаш дастлабки вақтида бўлиши мумкин бўлган фазалари келтирилган.

Биринчи уч фаза сирпанишни (иллюстрируют), яъни катокни материал чети бўйлаб унинг катта қуйимидаги сирпаниши ва тебранишини кўрсатади Кейинги уч фаза худди шу каток билан материал ўзаро таъсири жараённини кичик припускдаги ҳолатини аксини кўрсатади.

Қуйидаги маълумотда фақат биринчи фазани кўриб чиқамиз – каток ўқиға эркин ўрнатилган ва фақат материал юзаси бўйлаб сирпанади (расм. 6, б). Бунда каток айланиш қаршилиги моменти M_c ҳосил қилинган материалдаги ишқаланиш кучи F дан катта, R_k каток радиуси бўйича.

$$M_c > FR_k, \quad (1)$$

$$M_c = M_k + M_n, \quad (2)$$

бу ерда M_k –катокни материал бўйлаб тебраниши қаршилик моменти;

M_n – каток подшипниклари қаршилик моменти момент.

$M_k = K_k N_k$ моменти бу ерда K_k – катокни материал бўйлаб тебранишга қаршилик коэффиценти; N_k – катокни материалга нормал босими.

Тебраниш подшипниклардаги қаршилик моментини $M_{п.к}$ деб белгилаймиз, сирпаниш подшипниклари қаршилик моментини эса $M_{п.с}$ – орқали белгилаймиз. Унда: $M_{п.с} = K_{п.с} R_n$

бу ерда $K_{п.с}$ – подшипниклар тебраниш қаршилиги коэффиценти;

R_n – подшипникларга тенг таъсир қилувчи кучлар, у қуйидаги кўринишдаги тенглик орқали ифодаланиши мумкин:

$$R_n = \sqrt{R_x^2 + R_y^2}, \quad (3)$$

бу ерда R_x – подшипникларни ташкил қилувчи горизонтал кучлар;

R_y – подшипникларни ташкил қилувчи вертикал кучлар.

Бу кучлар қуйидагича ифодаланади :

$$R_x = N_k \sin \alpha + F \cos \alpha = N_k \sin \alpha + f_{km} N_k \cos \alpha = N_k (\sin \alpha + f_{km} \cos \alpha),$$

$$R_y = G_k - N_k \cos \alpha + F \sin \alpha = G_k - N_k (\cos \alpha - f_{km} \sin \alpha),$$

бу ерда f_{km} – каток – материал жуфтлиги ишқаланиш коэффиценти; G_k – каток оғирлиги.




Рис. 1.

6-расм. Материал – кескич системаси билан катокни ўзаро таъсири схемаси







R_x и R_y ифодани (3) тенгликка қўйиб ва ўзгартириш амалга ошириш орқали қуйидагини оламиз:

$$R_n = \sqrt{G_k^2 + N_k^2(1 + f_{km}^2) - 2G_k N_k (\cos \alpha - f_{km} \sin \alpha)}. \quad (4)$$

Думалаш подшипникларида қаршилиқ моменти

$$M_{п.к} = K_{п.к} \sqrt{G_k^2 + N_k^2(1 + f_{km}^2) - 2G_k N_k (\cos \alpha - f_{km} \sin \alpha)}. \quad (5)$$

Кесиш жараёнида кескичлар ва сиқувчи катокни материал билан ўзаро таъсири

Фаза номери	Фаза номланиши	Фазалар кўриниши	Характеристика	Илова
I	Катокни материал юзаси бўйлаб сирпаниши		$M_c \leq FR_k$ $\omega = 0$	Жараён бошидаги катта қўйим
II	Катокни материал бўйлаб ўтиши		$M_c \leq FR_k$ $0 < \omega < \frac{v}{R_k}$	
III	Катокни материал бўйлаб думалаши		$M_c = FR_k$ $\omega = \text{const}$	
I	Катокни материал чегараси бўйлаб сирпаниши		$M_c > FR_k$ $\omega = 0$	Жараён бошидаги кичик қўйим
II	Катокни материал чегараси бўйлаб ўтиши		$M_c \leq FR_k$ $0 < \omega < \frac{v}{R_k}$	
III	Катокни материал чегараси бўйлаб думалаши		$M_c = FR_k$ $\omega = \text{const}$	

Думалаш подшипникларида катокни айланиш қаршилиқ momenti

$$M_{c.k} = K_k N_k + K_{п.к} \sqrt{G_k^2 + N_k^2 (1 + f_{км}^2) - 2G_k N_k (\cos \alpha - f_{км} \sin \alpha)}. \quad (6)$$

Сирпаниш падшипникларида қаршилиқ momenti

$$M_{п.с} = R_{п.с} f_{п.с} \frac{d}{2}, \quad (7)$$

бу ерда $f_{п.с}$ – сирпаниш падшипникларини ишқаланиш коэффициентини;

d – сирпаниш падшипниклари бўйининг диаметри.

(4) тенгламадаги $R_{п}$ ифодани қўйиб қуйидагини оламиз:

$$M_{п.с} = f_{п.с} \sqrt{G_k^2 + N_k^2 (1 + f_{км}^2) - 2G_k N_k (\cos \alpha - f_{км} \sin \alpha)}. \quad (8)$$

Сирпаниш подшипникларида каток айланиш қаршилиқ momenti

$$M_{с.с} = K_k N_k + K_{п.к} \sqrt{G_k^2 + N_k^2 (1 + f_{км}^2) - 2G_k N_k (\cos \alpha - f_{км} \sin \alpha)}. \quad (9)$$

Думалаш подшипникларини қўллаш ҳолатида материал бирлик кенглиги (b кенглиги) бўйича катокни айланиш қаршилиқ momentлари

$$m_{с.к} = \frac{N_k K_k}{b} + \frac{K_{п.к}}{b} \sqrt{G_k^2 + N_k^2 (1 + f_{км}^2) - 2G_k N_k (\cos \alpha - f_{км} \sin \alpha)}, \quad (10)$$

ва сирпаниш падшипниклари бўйича:

$$m_{с.с} = \frac{N_k K_k}{b} + \frac{f_{п.с} d}{2b} \sqrt{G_k^2 + N_k^2 (1 + f_{км}^2) - 2G_k N_k (\cos \alpha - f_{км} \sin \alpha)}, \quad (11)$$

Материал юзаси бўйича кесикчлар тиғини каток қуйи чегарси поғонасида катокни сирпаниши қуйидаги ҳолатга эга, қачонки қуйим охирини оловчи эгиш ўқи 5 материал қалинлигига δ тенг ёки ундан катта бўлганда. Бу ҳолатда материал чет қисмини оловчи юза контакт чизиғи кескичлар кесувчи қирраси даражасида жойлашади.

Қуйимни оловчи эгувчи ўқ ўз оғирлиги бўйича материал қалинлигига тенг бўлсин (6 расм, а). Материал четини оловчини консол балка сифатида кўриб чиққан ҳолда, қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\delta = s = \frac{q l^4}{BEI}, \quad (12)$$

бу ерда q – материал қуйимини ўзини оғирлиги бўйича чегаравий юкланиши;

I – нейтрал ўқга нисбатан инерция моментини кесишиши;

E – қайишқоқлик модули.

1 см кенгликдаги чизик учун материал четини олувчи оғирлик узунлиги l қуйидагича:

$$q = \delta \gamma, \quad a \quad I = \frac{\delta^3}{12} \quad (13)$$

ва $\delta = \delta$ бўлганда катокни материал билан бир-бирига тегиши масафада содир бўлади

$$l = \sqrt[5]{\frac{2}{3} \cdot \frac{E \delta^3}{\gamma}}. \quad (14)$$

Материал юзаси бўйлаб катокни сирпанишини тугаши уни ўқи бўйлаб айланиши бошланиши қуйидаги шарт бўйича аниқланилади

$$M_c = FR_k = N_k f_{km} R_k, \quad (15)$$

бу ерлан

$$N_k = \frac{M_c}{f_{km} R_k} = \frac{M_k + M_n}{f_{km} R_k}. \quad (16)$$

1 см кенгликдаги чизик учун :

$$N_{1k} = \frac{m_k + m_n}{f_{km} R_k}. \quad (17)$$

Унда думалаш подшипникли катокдан фойдаланган ҳолатда уни материал бирлик кенглиги босими:

$$N_{1k} = \frac{N_k + K_k}{b f_{km} R_k} + \frac{K_{п.к}}{b f_{km} R_k} \sqrt{G_k^2 + N_k^2 (1 + f_{km}^2) - 2 G_k N_k (\cos \alpha - f_{km} \sin \alpha)}. \quad (18)$$

Сирпаниш подшипниклари учун (Соответственно):

$$N_{1k.k} = \frac{N_k K_k}{b f_{km} R_k} + \frac{K_k}{b f_{km} R_k} \sqrt{G_k^2 + N_k^2 (1 + f_{km}^2) - f_{km} \sin \alpha}. \quad (19)$$

Таъкидлаш керакки, катокни материал билан бошланғич контактини аниқловчи $\alpha_{\max}$ бурчак материал қалинлигига δ боғлиқ, шунингдек каток радиуси R_k ва вертикал бўйича кескичлар кесувчи қиррасигача бўлган


материал билан илашишидаги вақтда каток ўқидан ўтувчи a масофага боғлиқ.

a бурчак эса $0 < \alpha < \arccos(1 - \frac{\delta}{R_k}) = \arccos \cos$ чегарада $\alpha_{\max}$ $\delta = 5$ мм бўйича,

$R_k = 100$ мм, $\alpha_{\max} \approx 18^\circ$ ўзгаради.

Сирпаниш жараёнида катокдан чиқиб турувчи материал четини эгади.

Таъсаввур қиламизки, катокни сирпанишида материални қуйими фақат эгилади. Шунингдек кесилувчи материал қалинлиги δ бўйлама ўлчам ва қуйимга нисбатан катта бўлмайди, эгилишдан материал қуйими эгрилиги аҳамиятли эмас, шунингдек материал кескичларда итарувчи билан жойлашган, бу материални кескичлар ўртасида эгилиш ҳолатини ҳисобга олмайди. (6 расм, a).



7 - расм .Кескич тиғини материал билан ўзаро таъсири
хисоби схемаси

Унда ҳисоблашни осонлаштириш мақсадида чиқиб турувчи қуйимни ушлаб қолингани l узунликдаги консол балку сифатида кўриб чиқамиз (7 расм). Берилган шартлар учун берилган кесишишга нисбатан эгувчи моментни топамиз

$$M_n = \frac{N_k}{K} \cdot \frac{\sin Kx}{\cos Kl} + q \frac{x^2}{2}, \quad (20)$$

бу ерда

$$K = \sqrt{\frac{F}{EI}} = \sqrt{\frac{N_k f_{km}}{EI}}. \quad (21)$$

Бу ўқ томондан бу шартлар учун эгувчи момент қуйидиги ифода шаклида келтирилиши мумкин

$$M_{\text{и}} = \sigma W, \quad (22)$$

бунда W – кесишиш қаршилиги моменти;

σ – нормал кучланиш.

Берилган материал кесишиш $b=1$ бўйича

$$W = \frac{\delta^2}{6}. \quad (23)$$

(23) ва (24) тенгликлардан берилган кесишиш учун қуйидагини оламиз:

$$M_{\text{и}} = \frac{N_{\kappa}}{K} \cdot \frac{\sin Kx}{\cos Kl} + q \frac{x^2}{2} = \sigma W. \quad (24)$$

A , нуқтаси, яъни таянчдаги кесишиш учун:

$$M_{\text{иА}} = \frac{N_{\kappa}}{K} \operatorname{tg} Kl + q \frac{l^2}{2} = \sigma \max W. \quad (25)$$

q , K , l ва W ифодаларни қўйганда, $b = 1$ бўлганда ва (25) тенгламада баъзи ўзгартиришларни амалга оширгандан сўнг қуйидаги кўринишга келади:

$$\sqrt{\frac{3N_{\kappa}E\delta^3}{f_{\kappa M}}} \operatorname{tg} l \sqrt{\frac{12N_{\kappa}f_{\kappa M}}{E\delta^3}} = \sigma_{\max} \delta^2 - 3\delta l^3 \gamma. \quad (26)$$

Юқорида кўрсатилган шартлар ва рухсат этилганлар учун, лекин $M_{\text{и}}$ эгувчи момент маълум қалинликдаги материал қалинлигида берилган кесишиш учун қуйидаги тенгликдан аниқланилади:

$$M_{\text{и}} = \frac{N_{\kappa}}{K} \cdot \frac{\sin Kx}{\cos Kl} + q \frac{x^2}{2} - H\delta = \sigma W, \quad (27)$$

бунда H – материалга таъсир қилувчи горизонтал куч.

$$H = N_{\kappa} \sin \alpha + F \cos \alpha = N_{\kappa} (\sin \alpha + f_{\kappa M} \cos \alpha). \quad (28)$$

Унда $M_{\text{и}}$ берилган кесишиш учун қуйидагича бўлади:

$$M'_{\text{и}} = \frac{N_{\kappa}}{K} \cdot \frac{\sin Kx}{\cos Kl} + q \frac{x^2}{2} - \delta N_{\kappa} (\sin \alpha + f_{\kappa M} \cos \alpha) = \sigma_{\max} W. \quad (29)$$

Таянч кесишиши учун (A нуқтада):

$$M'_{\text{и}} = N_{\kappa} \sqrt{\frac{El}{N_{\kappa} f_{\kappa M}}} \operatorname{tg} l \sqrt{\frac{N_{\kappa} f_{\kappa M}}{El}} + q \frac{l^2}{2} - \delta N_{\kappa} (\sin \alpha + f_{\kappa M} \cos \alpha) = \sigma_{\max} W. \quad (30)$$

δ , l , γ ифодани (30) тенгликка қўйиш орқали ва $\gamma = 1$ деб қабул қилиб,

қуйидагини оламыз

$$\sqrt{\frac{3N_{\kappa}E\delta^3}{f_{\kappa M}}} \operatorname{tg} l \sqrt{\frac{12N_{\kappa}f_{\kappa M}}{E\delta^3}} - 6N_{\kappa}\delta(\sin \alpha + f_{\kappa M} \cos \alpha) = \sigma_{\max} \delta^2 - 3\delta l^3 \gamma. \quad (31)$$

(28) ва (31) олинган тенгликлар трансцендент ҳисобланади ва уларга кирувчи аниқ катталиклар учун ечилади. Маълумотлар ечимлари бўйича $N_{\kappa}=f(l)$ боғлиқлик графиги қурилади (3 расм), қайсики қуйидаги кўринишдаги даражали функция кўринишида аппроксимирланиши мумкин

$$N_{\kappa} = \frac{A}{l^z}. \quad (32)$$

Бошқа томондан, материал юзаси бўйича сиқувчи каток бошланғич думаланиши қуйидаги тенглик орқали аниқланилади

$$m_c = N_{\kappa} f_{\kappa M} R_{\kappa}, \quad (33)$$

Бу ерда m_c – материал бирлик узунлигига тўғри келувчи ($b = 1$) каток айланиш қаршилиқ моменти.


(33) тенгликдаги m_c ўрнига (19) ёки (20) тенгликдаги қийматларни қўйиб, думалаш подшипниклари ва сирпаниш подшипниклари учун қуйидагини оламыз:

$$N_{1\kappa} f_{\kappa M} R_{\kappa} = \frac{N_{\kappa} K_{\kappa}}{b} + \frac{K_{\text{п.к}}}{b} \sqrt{G_{\kappa}^2 + N_{\kappa}^2 (1 + f_{\kappa M}^2) - 2G_{\kappa} N_{\kappa} (\cos \alpha - f_{\kappa M} \sin \alpha)}, \quad (34)$$

$$N_{1\kappa} f_{\kappa M} R_{\kappa} = \frac{N_{\kappa} K_{\kappa}}{b} + \frac{f_{\text{п.с}} d}{2b} \sqrt{G_{\kappa}^2 + N_{\kappa}^2 (1 + f_{\kappa M}^2) - 2G_{\kappa} N_{\kappa} (\cos \alpha - f_{\kappa M} \sin \alpha)}. \quad (35)$$

Бу тенгликлардан каток бошланғич айланиши чегаравий босими $N_{\kappa \text{кр}}$, топамиз.

Бу босим қийматини қўйиб туриб, графикда (8 расм) $l_{\text{кр}}$ қийматни топамиз – каток билан материал контакт чизиғини кескич кесувчи қирраларигача бўлган масофа,



8- Расм. Каток билан материал контакт чизигидан критик босимгача бўлган масофа боғлиқлик графиги

қайсики катокни айланиши бошланади.

Топилган l ва l_{kp} қийматлар бўйича каток сирпаниш фазаси вақтини t аниқлаймиз:

$$t = \frac{l - l_{kp}}{v}, \quad (36)$$

бу ерда v – катокни илгариланма

ҳаракати тезлиги.


1.3. Катокни материал бўйлаб юмалаши вақтида материалларни кескичлар кесувчи қиррасига ишқаланишини текшириш

[7] ишда айтилганки, материалларни кесиш жараёнида деталлани зичлашда қуйидаги шартлар содир бўлиши мумкин, кескичларда жойлашган материал уларнинг кесувчи қирраси бўйлаб каток накаткалаш таъсирида ҳаракатланади. Шунингдек, олдинроқ материалларни катокни накаткалаш даврида ҳаракатланмаслиги математик модели шартлари тақлиф этилган эди..

Бу боғлиқликларни қўллаш учун материалларни кескич кесувчи қирраларига ишқаланиши коэффиценти катталикларини ва сиқувчи катокни уни накатывания даврини билиш зарур. Маълумки, ишқаланиш коэффиценти кўпгина факторларга боғлиқ, улардан муҳими аҳамиятлиги ишқаланувчи жуфтликларга нормал юкланишидир. Бироқ специфик шароитларда кечадиган ишқаланувчи жуфтлар ўзаро таъсирида кечадиган материални кескичлар кесувчи тўғига ишқаланиши ўрганилмаган, бу шароитларда юзага келадиган ишқаланиш коэффиценти маълумотлари адабиётларда йўқ. Бу ишни мақсади пойафзал материаллари – кескичлар кесувчи тўғини ишқаланувчи жуфтликларни сиқувчи каток накаткалаш жараёни шароитларида ишқаланиш коэффиценти ва кучларини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқот учун пойафзал материаллари ассортиментидаан ўзаро хоссалри билан фарқланувчи тери бўлмаганлари танланди, яъни постилочный картон, кожматол, гранитоль обувной, резина микропористая, фанера. ГОСТ ёки ТУ тўғри келувчи танланган материаллардан 120X280 мм ўлчамли намуна кесилди ва 5 донадан гуруҳларга тахланди. Тадқиқотдан олдин намуналар уч сутка давомида $20 \pm \pm 2^{\circ} \text{C}$ ҳароратда ва $65 \pm 5\%$, нисбий намликдаги ҳавода ушланди. Бичиш учун ўткир ва ўтмас кескичлар фойдаланилади ва кўрсатиб ўтилган материаллар ишқаланиши тадқиқоти ўткир чархланган кескичларда (кесувчи қирраси 0,04 - 0,06 мм) ва ўтмас кескичларда (кесувчи қирраси 0,3—0,32 мм) амалга оширилди. Экспериментал кескичлар ўлчамлари 240x80X32 мм, умумий бурчаги $20\text{--}22^{\circ}$ (ички ва ташқи бурчаклари 10° дан) бўлган икки томонлама чархланган. Тайёрланган кескичлар ТУ талабларига мос келади.

Тадқиқотлар модернизацияланган ускуна ТММ-32да амалга оширилди (12 расм). Ишқаланиш кучлари тензометрик усулда қуйидагича ўлчанди. Каретка 15га таянч 14 ўрнатилди, унга тиғи юқори ҳолатдаги кескич 9 фиксатор 7 ёрдамида қотирилди.



9 –Расм. Материални кескич кесувчи қиррасига ишқаланиш кучларини аниқловчи мослама.

Кескич кесувчи қирраларига 20 ммли напускли намуна 6 қўйилди.

Наъмунани бир томондан юк 8 билан юкланди, бошқа томонидан эса устун 2 га консол қотирилган тензо датчикли 4 ўлчовчи балка 5 билан қайишқоқ звено 5 бирлаштирилди.

Стол 1да кареткани стрелка бўйлаб (9-расм) ҳаракатланишида материални кески кесувчи қиррасига ишқаланиш кучлари ўлчовчи балка ва датчикени деформациялайди.

Ҳосил бўлган ишқаланиш кучларини кучатирилади ва осциллограммага ёзилади. Қийшиқ осциллограммалар тинч ҳолатдаги ишқаланиш кучини ва ҳаракатдаги ишқаланиш кучини характерловчи аниқ учаскалар бўйича тақсимланилади.

Ишқаланиш кучини топиш учун танланган модел зичлаш билан кесиш дастлабки даврида катокни материал четига накаткалаш жараёнига ўхшаш. Катокни накаткалаш даврида ортогонал юзаларда материални четига таъсир қилувчи кучлар ва ишқаланиш кучини аниқлаш схемаси 13, а и б. расмда кўрсатилган.


Каток накаткалаш даврида материални йиғинди куч H га суриш, катокдан материалга таъсир қилувчи, материал ва кескич кесувчи қирраси орасидаги йиғинди кучни $F_{p.m}$ енгиб ўтиш етарли (13, а расм). Охиргис нормал кучларга, яъни ишқаланувчи юзаларга таъсир қилувчи ва ишқаланиш коэффициентига боғлиқ. Катокни материални четига накаткалаш даврида охирги кескичларни кесувчи қиррасига унча катта бўлмаган вертикал юзага таъсир қилувчи йиғинди кучлар P га нисбатан сиқилади. Мувозанат шартидан сурилмайдиган қаттиқ материалга таъсир қилувчи кескич кесувчи чекка қиррасига нисбатан вертикал кучлар (14, а расм), материални максимал ҳар бир вақтга сиқилиш кучини қуйидаги тенгликдан аниқлаш мумкин.

$$P = \frac{G_m \cdot l_1}{l}, \quad (37)$$

бу ерда G_m – материал оғирлиги;

l, l_1 – тенг таъсир қилувчи кучларган бўлган масофа. Агар каток материални чеккасига кескич кесувчи қирраси таъсирида эгилса ва ёки улар бўйича

ҳаракатланса, унда бу кучлар максималдан камдир.



10 –расм. Ортогонал юзаларда материалга таъсир қилувчи асосий кучлар схемаси: а - катокни накаткалаш вақтида; б – ишқаланиш кучини аниқлаш жараёнида.

Бундан кучлар ва ишқаланиш коэффициентлари юкланишсиз кескич кесувчи қирраларига ишқаланишида, шунингдек қуйи тифдаги 0,5; 1,0; 1,5; 2,0 n юкларни юклаш билан аниқланди. Катокни накаткасига ўхшаш шароитларда материални кескич кесувчи қирраларидаги ишқаланиш коэффициентлари орасидаги ўрнатилган боғлиқлик, катокни аниқ диаметрини аниқлаш имконини беради, бунда материални сурилиши бўлмайди.

Материални кескич кесувчи қиррасига тинч ва ҳаракатдаги ишқаланиш кучлари осцилограммалар ёрдамида аниқланилади. 0,954 эҳтимоллик билан ўрнатилганки ишқаланиш коэффициентлари ишончли чегаралари 8-12 % чегараларда жойлашади.

Материалларни кескич кесувчи қирраларига тинч ва ҳаракатдаги ишқаланиш коэффициентлари ўртача қийматлари ўзгариши 14 а кўрсатилган. Ишқаланувчи жуфтлар ёзилувчи картон Д маркали ўткир чархланаган кескич кесувчи қирралари нормал кучланиши 2 Нгача ошишида тинч ҳолатдаги ишқаланишни коэффициентлари 1,33 до 0,75, ёки 0,52 гача камаяди (10, а, 1 расм). Ишқаланиш коэффициентларини интенсив ўзгаришидаги таъсаввур абцисса ўқиға нисбатан нотекис бурчакни беради.

Ишқаланиш коэффициент ёзилувчи картонни ишқаланиш коэффициентлари ўтмаслашган кесувчи қирралар юқорида кўрсатилганлардан бир номли позицияси бўйича бир қанча кам (10, а расм). Масалан, ёзилувчи картон

ишқаланувчи жуфтлар тинч ҳолатдаги ишқаланиш коэффиценти – юкланишсиз ўтмаслашган кескич кесувчи қирраси 1,08 га тенг, юкланишда эса унга 2Н-0,7. Камайиш 0,38 ни ташкил этади. Ҳаракатдаги ишқаланиш коэффиценти албатта 0,68 дан 0,52 гача камаяди, яъни 0,16 га. Кескич кесувчи қиррасини материални кесиш жараёнида ўтмаслашиши, ишқаланиш коэффиценти ўзгаришига таъсир қилмайди.

Ишқаланиш коэффиценти ва нормал юкланиш ўртасидаги алоқаси ишқаланувчи жуфтлар учун ҳисоблашни регрессия тенгламаси сифатида ифодалаш мақсадга мувофиқ. 14 расм анализидан кўриниб турибдики, материалларни кескич кесувчи қиррасига f ишқаланиш коэффицентларини ўртача қийматлари юкланишдан ўзгаришини эмперик тенглик кўринишида ифодалаш мумкин (2 Н гача).

$$f = \alpha G + b. \quad (38)$$

a ва b коэффицентлари тажриба маълумотларидан фойдаланган ҳолда текисланган нуқта усули бўйича аниқланилади. Ёзилувчи картонни кескич кесувчи қиррасига ишқаланишида тинч ҳолатдаги ишқаланиш коэффиценти билан нормал юкланиш орасидаги боғлиқлик қуйидагича кўринишда аниқлаштирилади:

$$\hat{f}_{\text{п.о}} = -0,0036G + 1,42, \quad (39)$$

Ҳаракатдаги ишқаланиш коэффиценти учун

$$\hat{f}_{\text{д.о}} = -0,00028G + 0,73. \quad (40)$$

Ёзилувчи картонини ўтмаслашган кескич кесувчи қиррасига ишқаланишида бу боғлиқлик қуйидагига тенг;

$$\hat{f}_{\text{п.п}} = -0,00192G + 1,11 \text{ и } \hat{f}_{\text{д.п}} = -0,0008G + 0,695. \quad (41)$$

Кожматолни кескич кесувчи қиррасига ишқаланиш коэффиценти чегералари ўзгариши ёзилувчи картонни ишқаланиши билан солиштирганда қабул қилинган шартлар бўйича бир қанча кам (10, б, расм). Ишқаланувчи жуфтлар учун ўткир кескичлар тинч ҳолатдаги ишқаланиш коэффиценти

0,80 дан 0,60 гача ўзгаради, ҳаракатда эса – 0,65 дан 0,46 гача ўзгаради. Кожматолни ишқаланиши ўтмаслашган кескичларга ишқаланишида тинч ҳолатдаги ишқаланиш коэффициентлари катталиклари 0,96 (наъмунани юкланишсиз ишқаланиши) ва 0,61 (наъмунани 2 Н юкланишдаги ишқаланиши) олинди. Ҳаракатдаги ишқаланиш коэффициентлари 0,73-0,49 чегараларда ўзгартирилади. Тинч ҳолатдаги ишқаланиш коэффициентлари ва кожматол ишқаланувчи жуфтлик ҳаракати – ўтмаслашган кескичлар юкланишсиз ўткир чархланган кескич ишқаланиш коэффициентлари кўпроқ характерлидир. Кейинчалик ишқаланувчи жуфтларда юкланишни ошириши билан бу турлилик 2 н юкланишда камайди ва йўқолади. Тинч ва ҳаракатдаги ишқаланиш коэффициентлари ўткир ва ўтмаслашган кескичларда интенсив ўзгариши ишқаланишда тахминан бир хил, протилочным картонга нисбатан камроқ.

Тадиқот учун олинган материаллардан ишқаланиш коэффициентлари кўпроғи микропор таг чарм резинасини кескич кесувчи қиррасига ишқаланишида содир бўлади (10,6,расм). Тинч ҳолатдаги ишқаланиш коэффициентлари ўртача катталиги ўткир кескич намуна резинасига тўғри келади. Ишқаланувчи жуфтликка юкланишни 2Н гача оширилади, лекин бу ишқаланиш коэффициентлари қуйидаги 2,01; 1,81; 1,63; 1,45 қийматларни қабул қилади. Худди шу шартлар учун ҳаракатдаги ишқаланиш коэффициентлари қуйидаги 1,65 дан 1,10 гача қийматларни қабул қилади.

Ўтмаслашган кескичларда резинани ишқаланиши тинч ҳолатдаги ишқаланиш коэффициентлари 1,58 дан 1,20 гача камайиши билан характерланади, ҳаракатда эса 1,07 дан 0,85 гача. Барча ўрганилаётган ҳолатлар бўйича микропор резина ишқаланиш коэффициентлари ўткир кескичларда кўпроқ ўтмаслашган кескичларга мос келади. Резинани ишқаланишида юкланиш ошириши билан ишқаланиш коэффициентларини интенсив камайиши кузатилади, ўткир кескичлар ишқаланишига алоқадор, ўтмас кескичларга қараганда, тинч ва ҳаракатдаги ишқаланиш коэффициентларини унча катта бўлмаган яқинлашиши содир бўлади.

Гранитолани кескич кесувчи қиррасига ишқаланиши шуниси билан фарқланадики, юкланиш ошиши билан тинч ҳолатдаги ишқаланиш коэффициентлари ўзгаришлари чегаралари унчалик катта эмас: 0,59-0,36 ўткир кескичлар учун ва 0,71-0,47 – ўтмаслашган кескичлар учун (10, а, расм). Ҳаракатдаги ишқаланиш коэффициентлари амалда доимий қолади ва гранитолани ўткир кескичга ишқаланишида 0,25-0,24 га тенг, ўтмас кескичлар учун эса – 0,37-0,34 (14, а, 7, 8 расм). Гранитолани ўтмас кескичга ишқаланиши юқори ишқаланиш коэффициентлари билан кузатилади, ўткир кескичларга нисбатан. Ишқаланувчи жуфтликка юкланиш ошиши билан тинч ва ҳаракатдаги ишқаланиш коэффициентлари яқинлашиш тенденцияси билинари.

